Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 31 март, пайшанба № 68 (21.672). Сотувда эркин нархда.

ЕТАКЧИЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

26 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР ҲОКИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган тасвир (ЎзА).

Мулоқот чоғида иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг жатта гўруҳи тажриба алмашиш, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш усулларини янада пухта ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда бўлган эди. Учрашувда ана шу сафар натижалари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Бугунги мулоқотдан асосий мақсад жойлардаги вазият ҳақида сизларнинг фикрингизни билишдир, деди Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳволи, ички ва ташқи сиёсати, умуман айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш масаласида фикрлашиб олмоқ зарур. Бизни сизлар билан ишлаётган одамларнинг кайфияти, ислоҳотга муносабати, дунёқараши ва ёндашуви қизиқтиради. Биз ҳозир иқтисодиётимиз тизимини тубдан ўзгартиряпмиз, янги ижтимоий тузумни барпо этяпмиз. Яъни, эски маъмурий-буйруқбозлик услубларидан воз кечиб, ўзимизга хос ва маъқул тузумни шакллантиряпмиз.

Ислоҳотни ҳаётга татбиқ этиш, унинг одамларга манфаат келтиришига эришиш энди жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараши, билими, ақл-заковатига боғлиқ бўлиб қолди, дея таъкидлади Президент. Шу маънода ҳоким, яъни етакчи ўзини сайлаган, унга ишонч билдирган одамлар назарида обрўли бўлиши, бошқаларга нисбатан билимлироқ, узоқни кўра оладиган, эл-юрт дардини чуқурроқ тушунадиган, азму қарори қатъий, курашчи бўлиши керак.

Яна бир мулоҳаза. Барчамиз ҳам Оллоҳ Таолонинг бандаларимиз. Демоқчиманки, раҳбар ҳам одам. Унинг ҳам қариндош-уруғи, дўстлари, ўзига яраша шахсий ташвишлари бор. Лекин раҳбарлик масъулияти шундаки, у аввало эл-юрт тақдири учун жавобгар. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, раҳбарликнинг мақоми элу юртга оталиқдир. Оқил ота эса фарзандларини ҳеч қачон яхшиёмонга ажратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларнинг бошини қовуштириб, пировардида хонадон ободонлигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда халқ орасига адоват тушади, қарама-қаршилик кучаяди, иш эса оркага кетади, одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, турли қинғир ишларга йўл очилади.

Биргина мисол. Ўтган йили Бухоро вилоятида пахта ҳосилдорлиги 34 центнерни ташкил этди, дейилди. Айрим бригадалар, балки баъзи хўжаликлар бундай ҳосилни олиши мумкиндир. Лекин вилоят миқёсида ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта териб олиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатни аниқлаш учун икки марта комиссия юборилди ва 17,5 минг гектар ер яшириб қолингани аён бўлди.

Маълумки, ҳукумат қарорига мувофиқ ўтган йилги режасини муваффақиятли бажарган хўжаликлар режадаги ҳосилнинг 20 фоизини ва режадан ташқари етиштирилган барча пахтани ўзи мустақил тасарруф этади. Лекин Ромитон ва Вобкент туманларида белгиланганидан ташқари 2—2,5 минг гектар ортиқча ерга пахта экилиб, катта миқдорда ҳосил ўзлаштирилган. Кимга, нимага керак бу кўзбўямачилик?! Буни халқ, давлат олдидаги жиноят деб баҳолаш керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари бу ишни охирига етказиши лозим.

80-йилларда халқимиз пахта яккаҳокимлигидан катта азият чекди, деди Президент, ўша пайтлардаги қўшиб ёзишларга бутунлай барҳам бериш учун мустақилликнинг дастлабки давридан бошлабоқ енг шимариб ишга киришган эдик. Кўплаб туманлар умумий экин майдонларида пахтанинг ҳиссасини 60, ҳатто 56 фоизга туширишга муваффақ бўлди. Шу ҳисобдан ўтган йили ғаллазорларни янада кенгайтириш соҳасида катта тадбирлар белгиланган эди. Лекин таассуфки, айрим жойлардаги ишга эскича қаровчи раҳбарлар бу хайрли ишни бўғишга уринмоқдалар. Жумладан, Бухоро вилоятида кузги ғалла майдонларини кенгайтириш амалда барбод қилинди. Самарқанд вилоятида 35 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 22 минг гектар, Жиззах вилоятида ҳам 22 минг гектар майдонга кузги ғалла экилмади. Бу ишбузуқликни қандай тушунмоқ керак?

Пахта нархи юксак эканини барча билади. Давлатни, халқни алдаб, ғалла ўрнига пахта экиб, юзлаб-минглаб гектарларни ҳисобот ҳужжатларига киритмай, қалбаки рапорт билан чўнтакни қаппайтирган кимсаларни асло кечириб бўлмайди. Бу иш ватан манфаатларига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас. Бухоро вилояти аҳолиси эҳтиёжи учун зарур ғалланинг 80 фоизини четдан сотиб олиб келинаётган бир шароитда ғалла экиш режасини амалда йўққа чиқарган кишиларнинг ишини фақат шундай талқин этиш мумкин.

Шахсий манфаатини пахта панасида ҳимоя қилиб юрган хўжалик раҳбарларини паноҳига олган ҳокимларнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, деб қайта таъкидлади Президент Ислом Каримов, бу гаплар Китоб ва Шаҳрисабз каби кўплаб туманларнинг ҳокимларига ҳам тегишли. «Кемага тушганнинг жони бир», деган гапни халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши сессиясида тилга олган эдим. Вилоят, туман раҳбари ўзича «ўйин» кўрсатаверса, ҳар ким ҳар ёққа тортаверса, Ўзбекистон аталмиш умумий кемамиз тақдири нима бўлади?! Шунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сиёсатини қўллаб-қувватламайдиган баъзи раҳбарларни бу кемадан туширириб қолдирмоқ керак. Чунки вақт, айни шароит бизни ана шундай кескин хулоса чиқаришга мажбур этмоқда.

Ўтган йили куз об-ҳавоси деҳқонларимизни унчалик сийламади. Бу йил ҳам баҳорнинг серёғин келиши кутилмоқда. Бундай шароитда чигитни, бошқа баҳорги экинларни ҳафта-ўн кун мобайнида экиб олишга шай туриш керак. Афсуски, айрим жойларда аҳвол тамомила бошқача бўлиб чиқмоқда. Қорақалпоғистон шароитида ернинг шўрини ювмасдан пахта олиб бўлмаслиги равшан. Бироқ қорақалпоғистонлик биродарларнинг тўю-тўёнадан қўли бўшамаётир. Баҳорги экишда қатнашадиган техника мавсумга шайланмаган. Алмашлаб экиш режаси амалга ошмаган. Дон ҳосилдорлиги ерга сепилган уруғни ҳам қопламайди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашмоқда. Агар тезда бу камчиликлар тузатилмаса, ишдан чиққан тупроқ биздан ўзига хос тарзда ўч олиши муқаррар.

Ҳозирги суҳбатимизга бошқача, замонга хос ва мос нигоҳ билан назар солсак, деди Ислом Каримов сўзини давом эттириб, ҳокимларни бир жойга тўплаб, уни қилмадинг, буни қилмадинг, деб оғир гапларни гапириш, қисувга олиш аслида ўша эски маъмурий-буйруқбозлик давридан қолган иш услуби эмасми? Ҳокимлар ҳам ўз вилоятига, туманига бориб, қўл остидаги одамларни худди шу йўсинда тергайди. Яна эскича маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлик қила бошлайди. Бунга йўл қўймаслик учун нима қилишимиз керак? Аввало ҳар бир раҳбар, ҳар бир инсон ўз дунёқараши билан ислоҳот талабларига жавоб берадиган бўлиши шарт.

Қиёслаш учун ҳозир сизларда имконият бор, деди Президент, Олмония, Франция, Голландия ва бошқа бир қанча ривожланган мамлакатлардаги ҳаётни, хўжалик юритиш услубларини ўз кўзингиз билан кўриб қайтдингиз. Қани, айтингчи, қайси давлат Президенти ёки ҳукумат раҳбари қўл остидаги кишиларни чақириб, нега уни экмадинг, нега буни экдинг, деб ўтиради. Ҳеч қаерда бундай алмисоқдан қолган услуб билан ишламайдилар. Агар сафарда кўрганларингиз асосида ўз фаолиятингизни танқидий баҳолаб, керакли хулосалар чиқара олсангиз, биринчи вазифа бажарилди, деб ҳисоблайман.

Яна бир муддао, бу ҳокимларнинг ана шу сафар чоғида кўрган, билган нарсаларни ўз туманида жорий қилишига даҳлдордир.

Кўнглингизда озгина ҳавас уйғонган бўлса, мен — улуғ аждодларимнинг муносиб вориси, наҳотки, шу олмон ёки французлар каби яшаш ва ишлашни уддалай олмайман, деган хаёл юрагингизни жизиллатган бўлса — шунинг ўзи катта гап!

Эътибор қилган бўлсангиз, у ерда фермерлар ўғитни қаердан оламан, техникани қандай созлайман деб, ҳеч кимдан сўрамайди. Сигирнинг сути нега камайиб кетди, деган сўроқлар ҳам йўқ. Ҳар қайси одам ўз ишини билиб қилаверади. Аммо, қаерда яшашнинг ва қайси мамлакатда ишлашнинг фарқи йўқ уларга. Биз, ўзбеклар эса бошқачамиз. Ўзбеклардек ватанни севадиган, юртига боғланган халқ жаҳонда йўқ. Бундай танти халқни тўғри йўлга бошлаш, унга етакчи бўлишнинг ўзи катта бахт! Ажойиб тупроғи, жаннатмакон иқлими, сахий қуёши бўлган юртда сени ҳеч қачон дорда қолдирмайдиган фидойи халқ билан тоғни талқон қилиш мумкинлигини асло эсдан чиқармайлик!

Ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакилларидир. Президент олга сураётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир. Шундай экан, халқ билан бирга бўлиш керак. Улуғ мақсад — Ўзбекистоннинг мутараққий давлатлар сафидан ўрин олиши, халқимизнинг фаровон турмушга эришуви йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш зарур. Ҳеч кимни оёғи ердан узилгулик, эл назаридан қолгулик қилмасин.

Ўзбекистон — ягона оила. Мақсад ҳам, унга эришиш йўли ҳам аниқ. Ана шу йўлда жипслашмоқ учун ўзаро меҳр-оқибатли, ўзаро кечримли бўлиш керак. Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради дейдилар. Камчиликларни, хатоларни рўйрост айтмасак, улар учун кенг йўл очиб берган бўламиз.

Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва бу сиёсатни амалда юритиш, адашганларни тўғри йўлга солиш, муштарак сиёсатни қўллаганларга қўлдош бўлиш Президент зиммасида, деди Ислом Каримов нутқи пировардида, лекин менинг зиммамда экан, бас, ҳокимлар давлат бошлиғини техника нега созланмаган, нима учун шўр ювиш кечикмоқда, қабилидаги ташвишлар билан ўралаштириб қўймасинлар. Хуллас, ҳар ким ўз ишини — деҳқон деҳқончилигини, қурувчи қурувчилигини, ҳоким ҳокимлигини қилсин.

Шундан сўнг Ромитан тумани ҳокими А. Мўминов, Шўрчи тумани ҳокими Э. Шерматов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Андижон шаҳар ҳокими Ҳ. Халилов, Нукус шаҳар ҳокими Ш. Уснатдинов, Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков сўзга чиқиб, ислоҳотни амалга ошириш, хусусан, фермер (деҳқон) хўжаликларини ер билан таъминлаш, қишлоқа саноатни олиб келиш, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар очиш, шаҳарларда уй-жой қурилишини жадаллаштириш, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Учрашувда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Мутолов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, М. Умурзоқов, Х. Жўраев, М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. З. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мираброр Зуфарович Усмонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 28 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. ҲАСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон истеъмол бозори ва маркетинг илмий тадқиқот институти раҳбари Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 март.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

29 март куни Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нажамеден Искалиев мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Ўзбекистон Президентига Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг қизғин саломи ва Наврўз байрами табриғини етказди. Икки қўшни республика ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришда бор куч-ғайратини сафарбар қилишга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари қадимий дўстлик ва биродарлик ришталари билан боғланган халқларимизнинг иқтисодий ва маданий алоқаларини янада кенгайтиришда элчи жанобларига катта муваффақият тилади.

* * *

Шу куни Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Солижон Жигитов ҳам мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари Асқар Акаевнинг самимий саломини етказар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий қардошлик анъаналарининг давом эттирилишига ҳисса қўшиш ниятида эканини билдирди.

— Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларимиз аввалдан ривож топган, — деди Ислом Каримов. — Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, халқ фаровонлигини таъминлашдек долзарб вазифаларни бажаришда биз янада мустаҳкамроқ бирлашишимиз зарур.

(ЎзА).

ЭЛЧИХОНАДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Россия ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси гўёки Афғонистон Ислом давлатининг ич ки ишларига аралашаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлагани муносабати билан шу йил 28 март куни Москвада, Ўзбекистон элчихонасида Россия ва хорижий журналистлар билан Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга Россия ва хорижий мамлакатлар матбуотининг 40 га яқин вакили келди.

Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. Абдуллаев айрим нашрларнинг Ўзбекистоннинг Афғонистонга ҳарбий ёрдами ҳақидаги хабарлари асоссиз уйдирма эканини, ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслигини ишонарли тарзда исботлаб берди. Бундай «ёрдам» мавжудлигини кўрсатувчи бирорта ҳам далил йўқ, деди у.

Ўзбекистон Республикаси Афғонистонга ҳар томонлама одамийлик ёрдами кўрсатаётгани ҳаммага маълум. Бу мамлакатнинг шимолий ҳудудларига Ўзбекистондан электр энергияси узлуксиз оқиб турибди. Ўзбекистон олий ўқув юртларида Афғонистон Ислом давлати халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрланмоқда. Афғонистонга саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ёрдам берилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёдаги, шу жумладан Афғонистондаги маҳаллий можароларни бартараф этиш масалалари ва бу ишни биргаликда амалга оширишга Ўзбекистоннинг тайёрлиги хусусида бошлаган ташаббусининг муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

У. РАЖАПОВ,
Ф. ПАРПИЕВ,
(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

ГУЛИСТОН (вилоят мухбиридан). Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу йўлдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фермерлик ҳаракати ва ишбилармонликни кучайтириш хусусида атрофлича фикр юритилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Ғ. Б. Ҳасанов нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Иштихон туман кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Т. Йўлдошев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими бўлиб ишлаб келаётган С. Муродов Иштихон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IX пленуми қарорлари—ҳаётга!

МИЛЛИЙ ҒУРУР

Давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мамлакатда яшайдиган барча аҳоли табақалари, ижтимоий гуруҳлар, элат ва миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг қандайлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳозир республикамизда 70 дан ортиқ миллий, маданий марказлар ишлаб турибди. Улар ўртасида ҳамкорлик, миллатлар ўртасида тотувлик бўлмас экан, давлат мустақиллигига тўла эришиш мушкул бўлади. Айниқса, кўп миллатли давлатда бу жараён мураҳимдир. Ўзбекистонимизда 30-йилларда элликдан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, эндиликда улар 120 дан ортиқдир. Демак бу ҳол давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун янги вазифаларни келтириб чиқаради-ки, уларни жуда эҳтиёткорлик ва вазминлик билан бажаришга интилиш талаб этилади.

Сабаби юқорида айтиб ўтилган тоифаларнинг барчаси мамлакат мустақиллиги учун у ёки бу даражада саъй-ҳаракатлар қиладилар, мамлакатни моддий ва маънавий бойитадилар. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шу сабабли тараққиётдаги бошқа йўналишлар билан бирга халқ манфаатини ифодалайдиган, маънавиятини бойитадиган Миллий истиқлол мафкурасининг яратилиши замон талабидир. Ана шу мураккаб ва шарафли ишни Ўзбекистон ХДП биринчилар қаторида амалга оширди. Партиямиз, таъбир жоиз бўлса, ўз мафкуравий дастурига эга бўлди. Партия Марказий Кенгашининг IX пленумида тасдиқланган Миллий истиқлол мафкураси эндиликда ҳаётга тадбиқ этилаётир. Бу мафкура ва унинг мазмуни тўғрисида матбуотда илиқ сўзлар айтилаётгани гувоҳимиз. Шу сабабли биз мафкурада тилга олинган ва маънавиятимизнинг энг муҳим қирраларидан бири бўлган миллий ғурурни шакллантиришдаги омиллар, унинг иқтисодий ва маънавий жиҳатлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида: — **«Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, орномуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикаснга садоқатли бўлган барча халқлар билан биродарликка интиламиз»**, — деб таъкидлаганлар.

Фалсафий мазмунга эга бўлган бу сўзларда жуда чуқур маъно бор. Шу фикрларга амал қилган Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасида ҳам миллий ғурур масаласига кенг ўрин берилган. Ҳозирги кунда партия ташкилотлари томонидан мафкурамизга хайрихоҳ бўлган фуқароларга **«миллий ғурурнинг уйғониши, шакланиши ва ривожланиши»ни** сингдириш учун жиддий ҳаракат олиб борилаётир. Тўғри, уни мамлакатимиздаги барча фуқароларга бир лаҳзада сингдириб, шакллантириб, ривожлантириб бўлмайди. Негаки, 130 йилдан кўпроқ вақт мобайнида миллий ғурурни тўла сақлаб қолиш у ёқда турсин, балки туб аҳоли у ҳақда гапиришдан, ошкора фикрлашдан чўчиб келган. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам «дунёвий миллат», «дунёвий тил», «дунёвий маданият» каби умумжаҳон мақсадлар асосида фикр юритилганлиги сабабли миллий ғурур четга чиқиб қолаверган эди. Натижада «йирик» миллатлар соясида бошқа миллатлар ғурури равнақ топмади. Чунки, меҳнаткаш халқ онгига кундалик ҳаётимиздан узоқ фикрлар сингдирилиб келиндики, бу жараёнда бошқа баъзи халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам миллий ғурури анча оқсади, қийинчиликларга дуч келди. Иншоолло, эндиликда халқимиз мустақиллик шарофати билан , уч йилдирки, бу муҳим жабҳада қаддини ростламоқда.

Миллий ғурур тўғрисида сўз юритар эканмиз, бу масаланинг нозиклигини ҳеч қачон унутмаслик зарур. У ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан юксалмоғи керак. Ғурур тўғрисида турлича фикр юритган алломалар унинг салбий ва ижобий томонларини тарозига солиб иш юритишни уқтирганлар. Жумладан, инглиз танқидчиси Ж. Коллинз «Гарчи ғурур яхшилик ҳисобланмасада, лекин кўп яхшиликларнинг бошидир», деган бўлса, немис ёзувчиси И. Зейме: «Агар биз ҳақиқий ғурурли бўлганимизда эди, дунёни бу қадар разилликлар босмас эди», деб ёзади. Юнон файласуфи Теофраст: «Ғурур — ўзидан бошқаларнинг барига нисбатан ўзига хос бир нафратдир», дейди. Француз адиби М. Жанлис «Ғурур кўпинча ҳақиқий улуғворликка ғов бўлади», деган бўлса, Термизий «Мағрурнинг туриши хунук», дейдилар.

Бу каби фикрлардан кўриниб турибдики, ғурур юқорида таъкидлаганимиздек, ноёб ва нозик жараёндир. Мафкурамизнинг ҳар бир тарғиботчиси ва тингловчиси мазкур фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, масалага жиддий ёндашиши ва уни ҳаётга тадбиқ этиши лозим. Хусусан, француз ахлоқшунос олими Ф. Ларошфуконинг: — «Ғурур барчага хос хусусият: аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қаерда кўрсатишни билиш керак», — деган даъватига амал қилинса мантиққа тўғри келар эди.

Халқимизнинг «Ғурури бор элнинг минораси баланд бўлади», деган ажойиб нақлидан келиб чиқсак, бошқа муҳим жараёнлар сингари миллий ғурурни ҳам шакллантирмай туриб, Ўзбекистонимиз мустақиллиги барқарор, унинг келажаги буюк бўлишига тўла эришолмаймиз. Миллий ғурурнинг шаклланиши ва ривожланиши кўпроқ иқтисодий соҳага, яъни тўқчиликка, моддий ноз-неъматларнинг етарлича тўкинлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли Миллий истиқлол мафкурасини халққа сингдиришнинг сиёсий томонларидан бири бу — **иқтисодий соҳадир.** Аввало, элюрт учун етарли миқдорда, кейин эса четга юбориладиган сифатли моддий бойликларни ишлаб чиқармасак, миллий ғururимизни юксак даражада кўтара олмаслигимиз табиийдир. Етарлича тўкин ва сифатли маҳсулот эса халқимизнинг жўшқин меҳнати асосида юзага келади. Бутун халқ, ҳар бир фуқаро онгли меҳнат қилгандагина маҳсулот сифати ошади, миқдори ҳам кўпаяди. Жаҳон андозалари даражасидаги сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариб, четга сотиш халқимиз миллий ғururини ривожлантиришнинг муҳим омилларидир биридир.

Миллий мафкурани халққа сингдириш учун ўтказиладиган ҳар бир тадбир хўжакўрсинга ўтказилмасдан, балки астойдил, виждонан амалга оширилишига эришиш керак. Ҳар бир маърузачи далиллар асосида тингловчининг фикрлаш қобилиятини шу даражада уйғотиши керакки, у иқтисодиёт соҳасида билими етарли бўлмаса беихтиёр билим олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйсин, таъбир жоиз бўлса, ўзлигини иқтисодий жиҳатдан ҳам англашга ҳаракат қилсин.

Айтиш лозимки, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш учун тарғиботчиларимизнинг ҳозирга қадар эгаллаган иқтисодий билимлари камлик қилади. Сабаби кўпгина тарғиботчилар кенг қўламда маъруза қилиб, барча соҳани умумий жиҳатдан қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Натижада маъруза олдига қўйилган мақсад ҳам мавҳумлашган. Шу сабабли маърузаларга партиямиз мафкураси нуқтаи назаридан ёндашилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу маърузалар қисқа, мантиқан кучли, мафкурадаги чизгилар ҳамда шиорлар асосида тузилган бўлса, самарали ва таъсирчан бўлади, деб ўйлаймиз. Маълумотларимиз умумийликдан алоҳиданликка қараб йўналган бўлиши керак.

Иқтисодий соҳа бўйича миллий ғururни шакллантириш учун юқоридаги фикрларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳозир мамлакатимизда етиштирилаётган пахта, ипак, қоракўл ҳамда пахтачилик ва тўқимачилик машиналари, олтин, фойдали қазилмалар, радиотехника маҳсулотлари ва турли халқ истеъмоли моллари, умуман, моддий бойликларимиз тўғрисидаги илмий асосланган далиллар ва маълумотларга эга бўлиш зарур. Ишлаб чиқаришимизнинг бу етакчи соҳаларини тилга олганда, уларни бошқа мамлакатлар билан таққослаб гапириш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, миллий ғурур аввало иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини англашдан бошланиши, ҳар бир киши иқтисодий соҳада устивор билимга эга бўлиши керак. Ўз-ўзини иқтисодий жиҳатдан англаш, ҳар бир кишидан ўз устида қўшимча ишлашни, билим доирасини кенгайтиришни талаб этади. Албатта, ўз-ўзини англаш нафақат иқтисодий соҳани билиш, балки ўз тарихини, она тили, дини, авлод-аждодларини, миллий урф-одатларини, ахлоқий қарашлари, анъаналари, ўз халқининг дунё маданиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини ва бошқа кўплаб жараёнларни мукаммал билишни талаб этади. Бинобарин, шу жараёнларни ҳар бир шахс мукаммал билмас экан, одатдаги мулоқотда ёки чет мамлакат кишилари билан суҳбатларда ўзининг ким эканлигини, авлодлари кимлигини танита олмайди.

Маълумки, миллий ғурур инсоннинг ранги, гавда тузилиши, ирқи ёки динига қараб белгиланмайди. Миллий ғururни бу аломатларга қараб белгиловчилар қаттиқ адашадилар, ундайлар шовинистлардир. Аслида бундай кишиларнинг дунёқараши бузилган бўлиб, билим савияси пастдир. Ўзбек халқи бундай қарашларни ўзига ёт деб билади, ўз миллий ғururини миллатнинг инсонпарварлик хислатларидан келиб чиқиб юксалтиради. Ислом ва бошқа динларнинг бу соҳадаги ижобий томонларига эътибор қилади.

Иқтисодий соҳа билан бир қаторда миллий ғururни янада юқорироқ даражага кўтаришнинг иккинчи муҳим бир жиҳати — бу **маънавий етуклик**ни эгаллашга боғлиқдир. Жамиятимиздаги кишилар ўз мутахассислиги, ишлайдиган соҳасини яхши билиши мумкин. Лекин, маънавий етуклик бўлмаса, миллий ғururни кўтариш, уни тарғиб қилиш амримаҳолдир. Маълумки, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги пайтларда кўплаб талабалар, тадбиркорлар, туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари вакиллари чет элга бормоқдалар. Келажакда бу иш янада ривожланишига аминмиз. Хорижга бораётган ҳар бир киши ўз халқининг миллий ғурури қирраларини мукаммал билиши зарур, деб ўйлаймиз. Айниқса, ҳозирги талабаларимиз миллий ғururни, унинг қирраларини билиш билан бирга, унинг тарғиботчилари ҳам бўлишлари керак. Талабаларни тарғиботчилар қилиб етиштиришни эса мактабда ўқувчилик давридан бошлаш зарур. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги келажак талабаларидир. Мустаҳкам билимни, маънавият, қадрият, урф-одатлар, удумларни ҳамда алломаларимизнинг таълимотларини ўқувчиларга ҳозирдан кенг дастурлар, пухта дарслик ва режалар асосида тушунтиришни бошлаш — давр талаби. Зеро, ўқувчилар талаба бўлганларида бу билимлар улар учун пухта замин вазифасини ўтайди. Айнан шу билимлар келажак учун бебаҳо эканлиги ва миллий ғururни шакллантиришда ҳам ўта муҳим омил бўлиши тайиндир.

Бунинг учун, айниқса, ижтимоий фанлар ўқитувчилари, барча мураббийлар масъулиятни ҳис қилишлари, жонкуяр бўлишлари лозим. Келажакда чет мамлакатга бораётган талабалар ҳам ўз зиммасига катта масъулиятни олиб, борган мамлакати маданиятини тезда ўзига сингдириб, ўз халқи маданиятини уйғунлаштириш ҳамда ўз миллатига хос бўлган миллий ғururни ўрни билан тарғиб қилишни ўйлаб борадилар. Маълумки, чет элга қадам қўйилгандан бошлаб, келган кишиларга эътибор ўн карра ошади. Саломлашиш, мулоқот қилиш, меҳмонхонада яшаш, кийиниш, маъруза қилиш, кишиларга муносабат, урф-одатлар барчаси ҳушёрликни талаб этади. Афсуски, борган кишиларнинг ҳаммаси ҳам буларнинг ўта муҳимлигига ҳамиша ҳам эътибор беравермайди. Сир эмас, четга бораётган баъзи сайёҳларимиз хорижга борганда кийим-кечак, умуман, совға буюмларга диққатни кўпроқ қаратадилар, имконият бўлса, ўша буюмлардан кўпроқ олиб қайтишни ўйлайдилар. Миллий ғурур тўғрисида ўйлаш эса, афсуски, ёдимиздан кўтарилар даражада бўлади. Ахир биз буюк жаҳонгирлар, мўътабар мутафаккирлар, улуғ алломалар авлодимиз-ку! Улар тимсолида ўзбек халқининг ким эканлигини, ўзбек халқининг жаҳон маданиятига, умуминсоний қадриятларга қўшган улкан ҳиссасини энди дунё аҳли биладиган пайт келди-ку! Эндиликда, барчамиз ўзбек халқини дунё кўзи ўнгида яна бир поғона кўтаришга ҳаракат қилишимиз керак эмасми? Миллий маданиятимиз ва ахлоқимизнинг мустаҳкам заминга эга эканлигини энди оламга кўрсатишимиз керак!

Минг афсуслар бўлсинки, орамиздан чиққан айрим ўзбек «ватанпарвар»лари миллий ғururимизни ҳам мутлақо унутиб, фақат ўз шахсий манфаатларини ўйлаб, четдан туриб, она-Ватанга тош отмоқдалар. Аниқроғи, «Озодлик», баъзан Москва радио маркази эшиттиришларини эшитиб, хорижда чиқадиган газеталардаги тирноқ остидан кир қидирувчи баъзи бир мақолаларни ўқиб, беихтиёр ғазабинг келади. Амалда юртбошимиз туфайли дунёнинг кўпгина йирик ва илғор мамлакатлари ўзбек халқини, унинг маданиятини, мустақил давлатини тан олиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатсаю, ўзимиздан чиққан уч-тўрт нафар «ватанпарвар» эса миллий ғururимизни унутиб, еган нон-тузини оқлаш ўрнига тузлуққа тупурса, бу қайси ақлга сиғади.

Шу «ватанпарвар»лар бирорта камчиликсиз давлатни топиб бераолармикинлар. Албатта, йўқ. Шундай қийин бир шароитда Ўзбекистоннинг нисбатан тўқлиги ва тинчлигини нега сезиб, сезмасликка оладилар, оқни қора деб кўрсатишга уринадилар. Ўзбекистондаги ўтиш даври қийинчиликларини аюҳаннос солиб қоралайдилар. Улар кимларнинг ноғорасига ўйнамоқдалар?

Ҳар бир тарғиботчи бу воқеа-ҳодисаларни ҳисобга олиши ва уни илмий талқин қила билиши лозим. Албатта, булар ҳақда фикр юритиш учун ҳам қайта таъкидлаймизки, чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади. «Одамдан юқори тураркан олам, билим олмоқликка муҳтождир одам», деган нақлга амал қилиб, Миллий истиқлол мафкурасини тингловчига сингдириш учун ҳар бир тарғиботчи ўз устида ишлаши давр талабидир. Юртбошимизнинг миллий ғururни тиклаш мақсадида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Президентимиз қаерга бормасин, у ўша минтақа ёки давлатдаги аҳолининг ўзбек халқига бўлган ҳурматини ошириб, ўзбекона миллий маданияти ва қадриятларини, ўзига хос хусусиятларини юксак даражада намойиш қилиб қайтадилар. Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисида сўзлаган нутқи тўғрисида ҳам дунё матбуотида кўп илиқ сўзлар айтилганлигининг гувоҳимиз.

Партия ходимларимиз, тарғиботчиларимиз шу билан бир қаторда ўзбек халқи, умуман, Марказий Осиё халқларининг фахри бўлган, ўзбек, форс-тожик ва бошқа тилларда ижод қилиб, чуқур из қолдирган минглаб алломалар ва саркардалар, олим ва файласуфлар, шоиру санъаткорлар — Ал Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Фирдавсий, Улуғбек, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Ат-Термизий, Жалолиддин Румий, Рудакий, Низомий, Исмоил Бухорий, Шерозий, Деҳлавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нақшбанд, Ясавий, Гулханий, Хўжа Аҳрор, Жомий, Машраб, Бедил, Юсуф Ҳамадоний, Муҳаммад Хоразмий, Арабий, Қошғарий, Феруз, Огаҳийлар тўғрисида етарли билимга эга бўлишлари тингловчиларни жалб қилишларига ёрдам беради. Сир эмаски, илгари кўпчилик маърузачи, нотиқлар маънавиятимиз ва маданиятимиз ривожига-ривож қўшган буюк кишилар тўғрисида етарли билимга эга бўлмаганлар. Бунга ўша мустабид тузум сабабчидир.

Хулоса тарзида шуни айтиш керакки, миллий ғururни аҳолига янада чуқурроқ сингдириш ва уни юксак даражасига кўтариш учун катта куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлади. Бу иш эскирган шиорлар, дабдабали йиғилишлар, ҳайбараваллачилик билан ўтказиладиган оммавий тадбирлар орқали бўлмайди. Бу билан керакли натижага эришиш қийин. Халқимизда шундай удумлар, урф-одатлар борки, улар миллий ғururни ривожлантиришга жуда қўл келади. Мустақиллик куни, Наврўз ва ҳайит байрамлари, ватан хизматига юбориш арафасидаги тадбирлар, ҳосиллар сайили, хотин-қизлар байрами, Конституция нишонланадиган кун, аҳолининг тўй маросимлари, юбилейлари, хотира кунлари, салом ва алик, гап-гаштак, ҳовли тўйлари, ҳашар, зиёратлар шулар жумласидандир. Бу тадбирлардан барча тарғиботчи, нотиқлар кўнгилдагидек фойдалана олмаётир. Шу сабабли партия кенгашлари қошидаги тарғиботчилар гуруҳлари вакиллари бу муҳим ишда ўта билимдон ва тадбиркор бўлишлари керак. Бинобарин, миллий ғururни кўтариш ҳар бир фуқаронинг ақлий ва меҳнат фаолиятига катта руҳ бағишлайди. Бу эса бизга жамиятимиз олдида турган қийин муаммоларни ечишда ёрдам беради.

Знёдулла ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири, фалсафа фанлари номзоди.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ ВА ҲУҚУҚ БЎЛИМИ МАСЛАҲАТХОНАСИДАН

САВОЛ: Айтингчи, қандай ҳолларда касаба уюшмаси розилигисиз маъмурият ходимни ўз ташаббуси билан ишдан бўшатиши мумкин?

Б. Ҳамидов, А. Қўчқоров, Бухоро шаҳри.

ЖАВОБ: Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси розилигисиз маъмурият ходимни ўз ташаббуси билан ишдан бўшатиши мумкин?

Ҳар бир тарғиботчи бу воқеа-ҳодисаларни ҳисобга олиши ва уни илмий талқин қила билиши лозим. Албатта, булар ҳақда фикр юритиш учун ҳам қайта таъкидлаймизки, чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади. «Одамдан юқори тураркан олам, билим олмоқликка муҳтождир одам», деган нақлга амал қилиб, Миллий истиқлол мафкурасини тингловчига сингдириш учун ҳар бир тарғиботчи ўз устида ишлаши давр талабидир. Юртбошимизнинг миллий ғururни тиклаш мақсадида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Президентимиз қаерга бормасин, у ўша минтақа ёки давлатдаги аҳолининг ўзбек халқига бўлган ҳурматини ошириб, ўзбекона миллий маданияти ва қадриятларини, ўзига хос хусусиятларини юксак даражада намойиш қилиб қайтадилар. Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлисида сўзлаган нутқи тўғрисида ҳам дунё матбуотида кўп илиқ сўзлар айтилганлигининг гувоҳимиз.

Партия ходимларимиз, тарғиботчиларимиз шу билан бир қаторда ўзбек халқи, умуман, Марказий Осиё халқларининг фахри бўлган, ўзбек, форс-тожик ва бошқа тилларда ижод қилиб, чуқур из қолдирган минглаб алломалар ва саркардалар, олим ва файласуфлар, шоиру санъаткорлар — Ал Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Фирдавсий, Улуғбек, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Ат-Термизий, Жалолиддин Румий, Рудакий, Низомий, Исмоил Бухорий, Шерозий, Деҳлавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нақшбанд, Ясавий, Гулханий, Хўжа Аҳрор, Жомий, Машраб, Бедил, Юсуф Ҳамадоний, Муҳаммад Хоразмий, Арабий, Қошғарий, Феруз, Огаҳийлар тўғрисида етарли билимга эга бўлишлари тингловчиларни жалб қилишларига ёрдам беради. Сир эмаски, илгари кўпчилик маърузачи, нотиқлар маънавиятимиз ва маданиятимиз ривожига-ривож қўшган буюк кишилар тўғрисида етарли билимга эга бўлмаганлар. Бунга ўша мустабид тузум сабабчидир.

Хулоса тарзида шуни айтиш керакки, миллий ғururни аҳолига янада чуқурроқ сингдириш ва уни юксак даражасига кўтариш учун катта куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлади. Бу иш эскирган шиорлар, дабдабали йиғилишлар, ҳайбараваллачилик билан ўтказиладиган оммавий тадбирлар орқали бўлмайди. Бу билан керакли натижага эришиш қийин. Халқимизда шундай удумлар, урф-одатлар борки, улар миллий ғururни ривожлантиришга жуда қўл келади. Мустақиллик куни, Наврўз ва ҳайит байрамлари, ватан хизматига юбориш арафасидаги тадбирлар, ҳосиллар сайили, хотин-қизлар байрами, Конституция нишонланадиган кун, аҳолининг тўй маросимлари, юбилейлари, хотира кунлари, салом ва алик, гап-гаштак, ҳовли тўйлари, ҳашар, зиёратлар шулар жумласидандир. Бу тадбирлардан барча тарғиботчи, нотиқлар кўнгилдагидек фойдалана олмаётир. Шу сабабли партия кенгашлари қошидаги тарғиботчилар гуруҳлари вакиллари бу муҳим ишда ўта билимдон ва тадбиркор бўлишлари керак. Бинобарин, миллий ғururни кўтариш ҳар бир фуқаронинг ақлий ва меҳнат фаолиятига катта руҳ бағишлайди. Бу эса бизга жамиятимиз олдида турган қийин муаммоларни ечишда ёрдам беради.

Знёдулла ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири, фалсафа фанлари номзоди.

САВОЛ: Биз ишлаётган корхона ойлик иш ҳақини ишбай усулида тўлайди. Яқинда (бунда бизнинг айбимиз йўқ) 10 кун бекор туриб қолдик. У кунлар учун жуда оз (10 минг сўм) миқдорда ҳақ тўлашди. Айтингчи, бизга ўхшаганлар учун қанча миқдорда ҳақ тўлашлари керак?

Х. Пирматов, Олмалиқ шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги қоидага кўра сизнинг айбингизсиз бекор туриб қолган иш вақти учун тариф ставкасининг (маошнинг) учдан икки қисмидан кам бўлмаган миқдорда (қонунларда белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак) ҳақ тўланади. Бунда бекор туриш бошланганги ҳақида ходим маъмуриятини огоҳлантирган бўлиши лозим.

САВОЛ: Биз ишлаётган корхонанинг бошқа бошқармага ўтказиб юборилиши ҳақида хабар келди. Энди бизни ходимлар штати қисқартирилиши тартибида бўшатишар эмиш. Шу тўғрими?

С. Турсунов, Наманган шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуасининг якуний қисми янги таҳририда баён қилинишича, корхона, муассаса, ташкилот бир орган бўйсинувидан бошқа орган бўйсинувига ўтказилганда меҳнат шартномасининг (контрактининг) амал қилиниши тўхтатилмайди. Корхона мулкдори ўзгарганида, шунингдек корхона қайтадан ташкил этилганида (қўшиб юборилганида, бирлаштирилганида, бўлиб юборилганида ёки қайта ташкил этилганида) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Бундай ҳолларда ходимлар сони ёки штати қисқартирилганида меҳнат шартномасини (контрактни) маъмуриятнинг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилади. Демак сизга нисбатан маъмурият қонунга хилоф иш тутмаган.

САВОЛ: Мен болани парваришлаш таътилидаман. Айтингчи, эртароқ ишга чиқсам бўлаверадими?

З. Исмонлова, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги қоидага биноан аёлнинг хоҳишига қараб, унга бола бир ярим ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил (бир ярим ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар эса иш ҳақи сақланмайдиган таътил) берилади.

Аёл ўз хоҳишига қараб, болани парваришлаш отпускаси (таътили) даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки уйда ишлаши мумкин. Бунда унинг болани парваришлаш таътили давридаги нафақа олиш ҳуқуқи сақланади.

Абдўжалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

• Мулоҳаза, таклиф

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИ КЕРАКМИ?

Политология, яъни сиёсатшунослик фани Ўзбекистон Республикасида ҳали ёш фан ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ ва ўз мамлакатимиз доирасида унинг вужудга келиши ҳамда олий таълим тизимида ўқитилиши яқин иккиуч йилликка бориб тақалади. Биз узоқ йиллар давомида бу фанни ўрганмай келдик, ҳатто буржуа фани деб, унга қарши курашганлар бўлди. Давр бундай қарашларни инкор этди.

Сиёсатшунослик фани вужудга келиши узоқ тарихга эга. У даставвал Юнонистонда кейинчалик шарқ мамлакатларида, сўнг ғарб мамлакатларида тараққий этган. Дунё дорилфунунларида асосий фан сифатида ўқитилади. Англия, Франция, АҚШда ҳам сиёсатшунослик академиялари ишлаб турибди.

Сиёсий бошқарув тизимининг барқарорлиги, жамиятнинг барча қатламларида сиёсий маданиятнинг пастлиги сиёсий тизимни ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. Бу эса сиёсатнинг назарий асосларини атрофлича ўрганишни тақозо қилади. Бошқа томондан, халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик, демократик ҳуқуқий давлат қуриш муддаоси ҳамда Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш зарурати ҳам сиёсатшуносликни ўқитишни тақозо қилади.

Бугунги шахс ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сиёсатлашди. Бир давлатда яшаб, шу давлат олиб бораётган сиёсатдан четда туриш мумкин эмас. Шахс муайян давлатнинг фуқароси сифатида давлат сиёсатининг объектига айланади. У буни истайдими, йўқми, қатъи назар, ўзи меҳнат қилаётган соҳада давлат сиёсатининг субъекти — ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқади. Демак, шахс фаолияти сиёсий ҳаракат касб этади — «сиёсийлашади». Ўша шахснинг «сиёсийлашув» жараёни ҳам сиёсатшуносликни фан сифатида ўқитишни зарурат қилиб қўйди.

Маълумки, 1993 йилнинг 25—26 май кунларида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитиш муаммоларига бағишланган илмий амалий конференция ишида шу соҳа фанларини ўқитишни тубдан яхшилаш, унинг моҳият мазмунини мустақиллик, миллийлик билан бойитиш, шу мақсадда янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш, бу фанларнинг миллий мафкурани яратиш ва уни такомиллаштириш, талабаларни тарбиялашдаги аҳамиятини янги босқичга кўтариш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Ёшларда сиёсий онгни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган фан бу — сиёсатшуносликдир. «Ўта ўқитишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади», — деган эди Ислом Каримов Республика Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида. Узоқ тарихга эга бўлган давлатчилигимиз тузилишида ҳосил бўлган сиёсий қадриятлар, мезонлар ва баҳолар, қарашлар ва назариятларни ўрганадиган ва уларни бугунги кунга хизмат қилдирадиган ҳам худди шу фандир.

Юқорида келтирилган ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб бу фан олий таълим тизимига кириб келди ва у сиёсий ҳаётдаги қонуниятларни, тенденцияларни, демократлаштириш, сиёсий маданиятни шакллантириш жараёнларини, биринчи галда, сиёсий ҳокимиятни илмий бошқариш санъатини ўрганувчи фан сифатида — ижтимоий фанлар системасида ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда.

Жамиятнинг янгиланиш босқичида, айниқса, ижтимоий фанларга қизиқиш сусая бошлади. Бу жараёнда айниқса табиий фанлар вакиллари жонбозлик кўрсатишди. Натижада ижтимоий фанларни мувофиқлаштириб ва бошқариб борувчи ягона марказ — Олий таълим вазирлиги қошидаги ижтимоий фанлар бош бошқармаси ўз ўрнини йўқотди. Ижтимоий фанларни олий таълим тизимида ўқитиш, унинг соатлар миқдорини белгилаш, намунавий дастурларни тузиш каби масалалар институт маъмуриятининг бу фанларга муносабатига боғлиқ ҳолда вужудга келди.

Бизнинг назаримизда сиёсатшуносликни қуйидаги бўлимларга ажратиб ўқитиш мумкин:

1. Сиёсатшунослик фанининг назарий-методологик асослари — 10 соат;
2. Сиёсий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари — 24 соат;
3. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг хусусиятлари — 24 соат;
4. Халқаро муносабатлар ва сиёсат — 12 соат;
5. Махсус курс — 10 соат;
6. Мустақил иш — 10 соат. Жами — 90 соат.

Бўлимлар номлари ва соатлар миқдори нисбий албатта. Улар ихтисослигини ҳисобларни бирлаштириш лозим, нашр ишларини мувофиқлаштириш айни муддаодир. Бу ишга Республика сиёсатшунослар ассоциацияси бош бўлиши керак. Шу йилдан кечиктирмай мукаммал дарсликларни, дастурларини, диаграммаларни нашр этиш лозим.

Иккинчидан, сиёсатшунослик фанини ўқитиш ва соатлар миқдорини белгилашни институтлар кенгашига топшириб қўймасдан, бу ишга ижтимоий фанлар бош бошқармаси етакчи бўлса яхши бўларди. Мустақиллик шароитида демократия туфайли жамиятда вужудга келган ижтимоий имкониятни раҳбарлар шахсий имтиёз деб тушунмасликлари керак.

Учинчидан, олий таълимда сиёсатшунослик фанини (умуман ижтимоий фанларни) ўқитишнинг йиллик миқдорини 550 соатга туширишнинг мақсадга мувофиқдир. Нима учун? Биринчидан, тез ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаётимизни акс эттириб берувчи дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар етишмайди, борлари эскириб қолган. Демак, янгиланишга муҳтож. Системалаштирилган «ахборот тан қислиги» шароитида сиёсатшуносликдан дарс бериш мушкулдир. Иккинчидан, ахборотнинг кўплиги. Ҳозир ахборотлар оқими шу даражада катта, ўқитувчи уни ўзлаштириб улгурмаяпти. «Ҳазм қилиш» жараёни суст. Ижтимоий фан ўқитувчилари бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келмоқда. Албатта, ғап касбга масъулият билан қарайдиган, ўз устида ишлайдиган, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчан ўқитувчилар ҳақида бормоқда. Афсус, енгил-елпи дарс бериб кетувчилар ҳам учраб туради.

Шуниси қувонарлики, республикамизнинг кўпчилик олий ўқув юртларида давлат имтиҳонига сиёсатшунослик фани киритилган. Бизнингча, бу фан барча олий ўқув юртларида давлат имтиҳонига киритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Давлат имтиҳонлари манбаларига Президентимиз Ислом Каримовнинг барча рисолалари амалий дастур қилиб олиниши лозим. Чунки, уларда иқтисодий, сиёсий-назарий масалалар аниқ-равшан ёритилган. Таълим соҳасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг моддий ва маънавий омилларини ҳам бозор муносабатларига мувофиқлаштириш лозим. Ҳеч бўлмаса, ўқув соатларини қисқартириб, нормал ишлашга имконият берайлик.

Яна бир муҳим жиҳат — дарснинг сифати, савияси ҳақида. Қийин шароитда 650—750 соат дарс бериб, талабалардан савия талаб қилиш қийин. Агар шундай қилсак, таълимнинг савиясини кўтариш ўрнига, бузилган таълим тизимини бузган бўламиз. Давр биздан сифатга эътибор беришни талаб қилмоқда.

Собитхон НОСИРХЎЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.
Эркин САЙДАЛИЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.
Мадраҳим САФАРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.



Бекобод металлургия заводи яқинда ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлади.

**Завод ҳатто чет эл мамлакатларида

• ТАДБИРКОР — ИҚТИСОДИЁТГА МАДАДКОР

ШУНДАЙ ФЕРМЕР БОР

Ўша куни Номоз бобо туман марказидан мамнун бўлиб қайтди. «Ишни бошлайверинг, ёрдам керак бўлиб қолса келинг, ёрдам берамиз» дейишди туман катталари. Уйига келганида қоронғу тушиб осмонда юлдузлар чарақлай бошлаганди.

«Номоз бобо фермер бўлибди» деган гап тез тарқалди.

— Табриклаймиз, бўш келманг бобо, — дейишди ҳамқишлоқлари.

Номоз Боймуродов деганимиз етмиш ёшда. Етмишда бўлса ҳам ҳали тетик, бардам. Пайариқ туманида яшайди. «Дўстлик» давлат хўжалигидаги «Қорақалпоқ» фермер хўжалиги бошлиғи. Суяги меҳнатда қотган. Йигирма йил яйлов кезиб қўй боққан. Бош чўпон бўлган.

— Сабр-тоқатли, меҳнатдан, қийинчиликдан қочмайдиган одамгина чўпон бўлади, — дейди Номоз бобо кўп йиллик тажрибасига таяниб.

Одатда чорвадорлар учрашиб сўрашишганларида «моли жонинг омонми» дейишади. Шу сўзлар замирида ҳам бир дунё маъно бор. Бу — бола-чақанг соғсаломат юришибдими, отарингг бут қўй,қўзинг семизми дегани. Пайариқ ҳам ана шундай моли-жонли чорвадорлар юрти.

Фермерчилик шунчаки эрмак эмас. Аввало у меҳнатни янгича ташкил этиш ва шу бароварида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Номоз Боймуродовни чин маънодаги фермер, десак хато қилмаймиз. Ҳалол, саховатли кишиларнинг ишини яратганнинг ўзи ўнг қилади. Бу гапларни айтаётганимизнинг боиси шуки, Номоз бобо фермер бўлган 1992 йилнинг ўзида қабул пунктларига 5 тонна сут, 2 тонна гўшт, бир тонна жун топширилди. Ҳозир фермернинг 300 бош қўйи, 25 бош қорамоли бор. Ўтган йили ҳам хўжалик билан тузган шартномани бажарди. Яна 10 тонна буғдой топширди. Шу йил ҳисобидан эса 2 тонна гўшт етиштирди.

— Давлатнинг молини боққансиз, ҳозир эса фермерсиз. Фарқи нимада? — сўрайман Номоз бободан.

— Фермерчилик — кони фойда экан. Яшириб нима қиламан. Илгари меҳнатимизга яраша ҳақ олмасдик. Эътибордан четда эдик. Тағин ўпкалаяпти, дема. Шукр қиламан. Сўрагининг учун айтдим-да. Мана, замон ўзгариб эмин-эркин ишлайдиган кун келди. Давлатимиз тепасида элпарвар, ишнинг кўзини биладиган Ислом Каримовдай Президентимиз борлигидан кўксимиз баланд. У киши бизга ўхшаганларга доимо ғамхўрлик қилаётирлар. Мана, уч ўғлим ва укам мен билан бирга. Бировдан кам жойимиз йўқ.

— Ем-хашак масаласида қийналмаяпсизми?

— Йўқ. Лекин бу йил қиш чўзилди. Беш ой қўлдан емиш беришга тўғри келди. Яйловдан ташқари 35 гектар еримиз бор. Ғалла экканмиз. Ҳавони берса сомон ҳам, дон ҳам мўл бўлади. Бултур 10 центнердан буғдой олгандик. Бу йилги мўлжал ўн беш.

Унинг гапига шуни қўшимча қилиш мумкин. Фермернинг икки трактори ва шунча оти ҳам бор. Техника ем-хашак ташишда қўл келаётган бўлса, отлар эса яйловда қўй боқишда асқотмоқда.

Номоз бобо узоқларга тикилади. Ниманидир ўйлаяпти. Хаёлини бўлмаслик учун жимгина атрофга назар ташлайман. Қир-адирлар кўм-кўк. Кун очиқ бўлса ҳам ҳаво бироз совуқ. Қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилади.

— Бу ернинг ўтлари яна бир ойдан кейин тиззага чиқади, мухбир болам. Бизда кўклам қисқа бўлади, — отахон шундай дея ишора қилди. — Анаву келаётган кенжам Ҳазрат. Меҳнаткаш. Ана шуларга ишониб фермер бўлганман-да.

— Қанча қўзи олмоқчисизлар, — Ҳазратга савол бераман.

— Икки юз эллигини ўстиришга қолдирамиз.

— Даромад-чи?

— 100 миллион сўм фойда кўришни мўлжаллаяпман. Номоз бобо жилмайиб жавоб беради. — Банкдаги ҳисобимизда ҳам анча пулимиз бор. Керагида ишлатамиз.

Отахон билан суҳбатимиз анча чўзилди. Номоз бобо ҳазил-мутойибага уста экан. Ҳамроҳларим унинг гапга чечанлигига қойил қолишди. Шу ерлик Зиёдулла ака бу инсон тўғрисида кўп яхши гапларни айтди. Номоз фермер мард, танти, бағри кенг, деди. Кўнгли очиқлиги учун ҳам хонадонида ҳар куни меҳмон тўла.

Фарзандларидан ҳам ёлчиган. Ҳаммаси уйли-жойли. Ўттизга яқин набираси бор. Номоз бобо меҳнати туфайли обрў топди. Тўйларда давранинг тўри уники.

Фермер билан хайрлашиб йўлга чиқар эканмиз оқсоқол қаттиқ тайинлади: йўлларинг тушса, албатта келинглар, меҳмоним бўласизлар.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Фермернинг ёрдамчилари (чапдан) Барот ва Қудрат Боймуродовлар. 2. Яйлов дарғаси Номоз бобо Боймуродов. 3. (чапдан) Ҳазрат, Қудрат, Ҳамроқул Боймуродовлар.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган суратлар.

• ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ •

ОҚЛИК – ПОКЛИК

Уддабурон, ишбилармон, қатъиятли бўлиш инсоннинг энг яхши фазилати саналади. Шундай фазилатли одамлар айниқса, шу кунларда, мустақил, ҳур, озод Ўзбекистон учун жуда-жуда зарур. Уларни қадрлаш, қўллаб-қувватлаш керак. Ана шундай инсонлардан бири — эл назарига тушган, камтарин ва жўмард инсон, Жиззах вилоятидаги Дўстлик тумани дон маҳсулотлари корхонаси директори, Саидилҳом Саидраҳмоновдир.

— Саидилҳом, суҳбатимизнинг сарлавҳасини «Оқлик — поклик» деб номласак. Оқлик деганда биринчи галда ун, пахта, қор ва рамзий маънода қалб оқлиги англашилади. Шубҳасиз, бундай пайтда эзгулик, тўқлик, тўкин-сочнлик, яхшилик, беғубор болалик дамларимиз худди кино лавҳаларидек кўз ўнгимиздан ўтиши табиий. Келинг, суҳбатимизни ҳам оқлик ва у билан боғлиқ хотиралардан бошлай қолайлик.

— Оқлик. Мен болалигимда чексиз ғаллазорларнинг қуёшда сариқ олтиндай товланиб чайқалганини, сап-сариқ, ақиқдай доннинг хирмонларга тўкилаётганини мўъжиз бўлиб кузатганман. Биринчи гал қишлоғимиздаги мўъжазгина сув тегирмонига кирганимда, тегирмончи бобонинг юз-кўзлари, киприклари оппоқ унга белангани кўриб ҳайратдан лол қолганман.

Тегирмончи бобо тақводор, тўғри сўз, покдомон, имонли киши эканлигини қишлоғимиз кексалари кўп такрорлашарди. Сап-сариқ, донадона буғдойлар тегирмондан оппоқ ун бўлиб чиқарди. Биз уни қопларга солиб ўйимизга келтирардик. Онам ҳамир қориб, нон ёпардилар. Оппоқ ун, хамир, қизиб турган тандирдан катта-катта бўрсилдоқ нон бўлиб пишиб чиқаверарди. Нон ҳиди атрофни тутарди. Қандайдир ҳикмат, бир-бирига муштараклик, бир ўхшашлик бордай бу манзараларда. Оқликда поклик борлиги аниқ.

— Ҳақиқатан ҳам сизлар ўша тегирмончи боболарнинг давомчиларисизлар. Бугунги кунда сиз бош бўлган катта жамоа қандай ишларни амалга оширмоқда. Қўшимча корхоналар қурилиши, ички имкониятлардан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган?

— Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қалбида ифтихор туйғулари жўш уради. Негаки, биз янгича ишлаш, ўзлигини қўлга олиб, эркин, ҳур даврда га эришдик. Республикамиз мустақил бўлгач, жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Аввало, малакали мутахассислар, тажрибали ишчи ва хизматчилар, соғлом фикрли, ташаббускор ёшлар сафимизни тўлдирди. Дастлабки қадамларимизданоқ дадилликка, одилликка, ўзаро тотувликка, меҳнат интизомига қатъий риоя қилдик. Айни кунда жамоамизнинг 600 нафар ишчи-хизматчилари бир оила аъзоларидек ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилишмоқда. Масалан, корхонанинг ун заводида бир кечакундузда 300 тонна дон янчилиб, юқори навли ун ишлаб чиқарилади.

Омухта ем тайёрланадиган бўлимда ҳам кунига 300 тонна маҳсулот олинади. Арпа уни ишлаб чиқариладиган яна бир цехда худди шунча миқдорда маҳсулот янчилади. Бу эса корхонамиз катта қувват билан ишлаётганлигидан далолат.

Ундан ташқари, халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида комбинатимиз ҳудудида кичик цехлар бунёд этмоқдамиз. Яқинда бир кунда 500 килограммгача колбаса ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Бошқа бир цехда эса кунига 1,5 тонна пахта ёғи ажратиб олинмоқда. Мана шу иккита цехда йигирмадан зиёд ишчи меҳнат билан банд. Дўстлик шаҳри ва туман аҳолисининг тақчил маҳсулотларга бўлган талаби қисман қондирилмоқда. Колбаса цехимизни қўшни Зафаробод туманидаги «Ширин» фермерлик хўжалиги хом ашё билан таъминлаб турибди. Биз ҳам ҳомийларимизга омухта ем етказиб бераяпмиз. Келажакда ёғ ишлаб чиқарадиган цехни кенгайтириш ниятидамиз. Бизнинг бу ташаббусимизни Жиззах вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватламоқда. Натижада комбинатимиз ишчи-хизматчиларининг турмуш шароити яхшиланмоқда. Моддий манфаатдорлиги ўсмоқда. Айни кунларда ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 175 минг сўмни ташкил этяпти. Бу эса ишчиларнинг кўнгли билан, қаноат билан ишлашига, иш сифатининг яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда ун заводи ва барча цехлар Швейцариянинг «Бюлер» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш қуввати ошди.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, бева-бечораларга хайрия улашиш, ота-онасиз болаларнинг тўйларини ўтказиш сингари тадбирларни ҳар йили Наврўз кунларида ўтказиб турар эксансизлар. Булар қадриятларимизнинг ўзимизга қайтаётганлиги, анъаналаримиз тикланаётганлигининг шарофатидан бўлса керак?

— Албатта, савоб ишларга қўл уриш, бева-бечора, етим-есирларнинг кўнглини олишдек анъана ота-боболаримиздан мерос. «Олтин олма, олқиш ол», деган халқ мақоли ҳам бежиз айтилмаган. Биз авваламбор корхонамиз ишчи-хизматчиларининг оилавий шарт-шароитларини яхшилашга ҳаракат қилаётирмиз. Шу йил охиригача иккита ўн икки хонадонга мўлжалланган уй, 20 та ҳамма қулайликларга эга бўлган ҳовлили хонадонлар битказилиб, ишчиларимизга топширилади. Корхонамизга қарашли 190 ўринли болалар боғчасида ҳамма имкониятлар яратилган. Магазин, новвойхона, ошхона мунтазам ишлаб турибди. Саломатлик марказида корхонанинг физиотерапия бўлими иш бошлади.

— Саидилҳом Саидаҳмедович, ўтган ойнинг ўрталари эди. Республика ойнаи жаҳони орқали айтилган кичкинагина бир хабарнинг аксадоси жуда кўп ва катта ташкилотларни ташвишга солиб қўйди. Хабарда айтилишича 70 тоннаю 200 кило унни Дўстлик темир йўл бекатидан олиб жўнаган 26482091-сонли вагон Бухорода тўхтатилган. Шу воқеа билан боғлиқ асл ҳақиқатни атрофлича шарҳлаб берсангиз?

— Бу воқеани ҳар ким ҳар хил талқин этди. Кимлардир халқимиз ризқидан қийиб Туркманистонга сотишаётган экан, десалар, яна кимлардир Чечения ёки Озарбайжонга жўнатишаётган экан, деб миш-миш тарқатдилар.

Воқеанинг асл моҳияти бундай бўлган: мана қўлимда республика Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси бош тафтишчиси Р. Хўжаев раҳбарлигидаги гуруҳ текшириув ишларининг хулосаси. Унда кўрсатилишича, корхонада ишлаб чиқарилган ун тўла миқдорда омборхонага топширилган ва ҳеч қандай ноқонуний иш қилинмаган. 26482091 сонли вагондаги ун эса корхонанинг тайёр маҳсулотлар омборхонаси мудири Н. Собиров томонидан 644374 сонли жўнатиш варақаси билан расмийлаштирилиб, Корхонада уларга турли томонларга мўлжалланган ун ортилиб, бекатга чиқарилган. Ҳалиги вагон ҳам ана шу вагонлар қатори юкланган ва ҳужжатлар Булунғур шаҳрига расмийлаштирилган. Шундан сўнг бекат тарозибони Тўлаган Чодёров буни билибми-билмай илгариги йўл варақаси асосида бўш вагонларни олиб кетадиган 3402-поездга тиркаб юборади. Шу тариқа Булунғурга бориши керак бўлган ун Бухорога ўтиб кетади. Бу орада Дўстлик темир йўл бекатида уннинг Булунғурга бормагани сезилиб бекатнинг катта топширувчи-қабул қилувчиси Б. Саидмуродов уни ахтариб йўлга тушади. Бироқ у етиб борганида вагон Бухоро темир йўл бекатида турган бўлади.

Бу ишда айбдорлар тегишли жазосини олдилар. Дўстлик темир йўл бекати бошлиғи Ж. Раҳматов қаттиқ хайфсан билан, бекат навбатчилари Ш. Пармонов ва И. Хўжамуродовлар хайфсан билан жазоландилар. Вагонни бошқа таркибга улаб юборган Т. Чодёровга жарима солинди. Лекин гап айбдор ва масъулиятсиз темир йўл хизматчилари жазоланганда эмас. Борди-ю, Бухоро божхонаси ходимлари ҳам вилоятимиз ва Самарқанд божхона хизматчилари сингари бу хатони англамай қолганларида нима бўларди? Оз эмас, 70 тонна унга ким куярди? Наҳотки, кўплаб бўш вагонлар орасида «эшик»лари тамбалаб, муҳрланган биттагина юкли вагон кетаётгани ҳеч кимнинг диққатини тортмаган? Шуни айтадилар-да «бирнинг касри мингга», деб.

Подадан олдин чанг чиқариб, мисқоллаб йиққан обрў-эътиборимизни чиппакка чиқармоқчи бўлганларга ҳам жазо бордир. Биз ҳам ҳалоллик барҳақ бўлиши учун қаттиқ курашдик. 600 нафар ишчи - хизматчиларимизнинг ҳалол меҳнати, ёруғ юзлари қора бўлиб қолмасин дедик.

Суҳбатдош:
Абдусаид НУРБОЕВ.
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ТАКЛИФ ҚУВВАТЛАНДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Афғонистондаги мухолиф кучларга мурожаат қилиб, Кобул шаҳри қамалини тўхтатишни сўради.

Мамлакатдаги ҳарбий ҳаракатлар туфайли инсонпарварлик ёрдами Кобулга етиб бормаяпти. Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош Котибининг Афғонистонга махсус вакиллар юбориш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Бу вакиллар мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш йўлида БМТ қандай кўмак бериши мумкинлигини ўрганади.

МАҚСАДГА МУВОФИҚ ТАДБИР

● Аввал хабар қилинганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби Бутрос Ғолий БМТнинг собиқ Югославиядаги тинчликни сақлаш қўшинлари таркибига Туркия ҳарбий қисмларини юборишни мақсадга мувофиқ деб топди.

«Бу қарор БМТ Бош Котиби томонидан қабул қилинган ва Хавфсизлик Кенгаши унга эътироз билдирмайди» деб маълум қилди Кенгаш вакили Жан-Бернар Мериме матбуот ходимларига.

ГРЕЦИЯ МАКТУБИ

● Греция ҳукумати бошлиқлари агар Туркия ҳарбий қисмлари БМТнинг собиқ Югославиядаги тинчликни сақлаш қўшинлари таркибига юборилган бўлса, бу ҳуқуқ бизнинг давлатимизга ҳам берилиши керак, деган қарорга келган эди.

Бироқ мамлакатдаги мухолиф сиёсий партиялар ҳукуматдан Босниядаги можарога аралашмаслик учун барча чораларни кўришни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан Греция ташқи ишлар вазири Каролос Папульяс Хавфсизлик Кенгашига мактуб йўллаб, қўшин давлатларнинг Босниядаги можарога аралашувига йўл қўймасликни сўради.

ЭРКАК РЎЗҒОР ИШИГА АРАЛАШСА...

● Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри фуқароси жаноб Фу баҳор байрами арафасида жуфти ҳалолининг кўнглини овламоқчи бўлди.

Уйни тартибга солиш учун шанбаликка бел боғлаган чаққон эр бир зумда хоналардаги эски жиҳозлар қатори синиқ курсини ҳам ахлатхонага чиқариб ташлади.

Ноз уйқудан турган Фу хоним эса... эсидан айрилди. Чунки у 70 минг юан (8 минг доллардан кўпроқ) миқдордаги пул, иккита омонат дафтарчаси, тўртта тилло узук, билакузук, зирак ва бир неча тилла соатни эриданми, ё ўғрилардами яшириб, эски курсининг таглигига тиққан экан.

Эр-хотиннинг бахтига, қўшни уйда яшовчи чол ахлатхонадан ташландиқ «олтин» курсини топиб олган ва унинг ичидан чиққан дафинани тўлиғича миршабхонага топширган экан.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

● Прага кўчаларида бир кунда 50 та ча енгил машинанинг ўғирланиши одатий ҳолга айланиб қолди.

Ўғрилар бир гал, ҳатто Чехия ички ишлар вазири Ян Румнинг хизмат автомобилини ҳам олиб қочдилар. Шу боис дўконларда автомобилни қўриқлашда қўлланиладиган турли мосламаларнинг бозори чаққон. Айниқса, машина бошқарув чамбараги, эшик қулфларини мустаҳкам тамбалаб қўядиган мураккаб электрон тузилма — нархи 100 доллардан ошса-да — пештахталарда туриб қолмаяпти.

Аммо полиция худди шу электрон мослама билан қўриқланадиган машиналар тезроқ ва кўпроқ ўғирланаётганини аниқлади. Мутахассислар бу жумбоқнинг ечимини бир зумда топдилар. Бунинг учун дўконларда 15—20 долларда сотиладиган радиобошқарувли болалар ўйинчоқларининг калитини озгина ўзгартириш кифоя экан. Сўнгра «қўли гул» одам бундай «олтин калитча» билан ҳар қандай берк машинани очаверар экан.

ЎҒРИГА ТАҲСИН

● Замбиялик бойвучча хоним машинасини қулфладию калитини ичкарида қолдиргани эсига тушди. Афсуски, автомобилнинг қўриқчи мосламаси ишлаяпти.

Энди эшикларни очиш учун юк машинаси топиш, устахонага элтиш, барча харажатларни тўлаш, яна бунинг устига қанчадан-қанча вақт сарфлаш керак бўлади.

Шундай оғир вазиятда бир миршаб хонимнинг жонига оро кирди. У яқин ўртадаги миршабхонадан куни кеча бировнинг машинасини ўғирлаётганида қўлга тушган «уста»ни етаклаб келди.

Табиийки у сим бўлаги билан машина эшигини бир зумда очди ва теваракдаги томошабинларнинг ҳамда бойвучча хонимнинг таҳсинига сазовор бўлди. Аммо шунча «илму ҳунар»ига қарамай уни миршабхонага қайтариб олиб кетишди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ҚАЛБИМ ОСМОНИДА ОЙ БЎЛДИНГ

* * *

Ғаним — атрофингдаги одамларни оқ-қорага ажратиб берувчи ғалвир экан...

Букун борлигингга шукр қилдим мен,
Туманли умримнинг баҳрин тилдим мен,
Дўст киму, ағёр ким, ёраб, билдим мен,
Ҳақнинг денгизида тиндим, тиндим мен,
Ғаним, борлигингга шукрлар бўлсин.

Ойнинг ҳам юзида доғи бўларкан,
Қуёшнинг кўксида оҳи бўларкан,
Мовий кунларингнинг коҳи бўларкан,
Хешнинг-да тахти-ю, чоҳи бўларкан,
Ғаним, борлигингга шукрлар бўлсин.

Дўстман деб, ширин сўз айтганни кўрдим,
Сиримга «сир» қўшиб-чатганни кўрдим,
Кўзим ёғни ялаб, «сотганни» кўрдим,
Ғаним, борлигингга шукрлар бўлсин.

Дейдилар «баҳрингда яшар ёвдан қўрқ»,
Бевақт сукунатдан, бевақт овдан қўрқ,
Сохта садоқату, доим «ҳов»дан қўрқ,
Рақиб ошкорадир, пинҳон ғовдан қўрқ,
Ғаним, борлигингга шукрлар бўлсин.

Англаб англолмайин, юрганим—дунё,
Излаб тополмайин, сўрганим—рўё,
Қаёнда саодат, қаёнда риё,
Кўрсатдинг, Санобар уйғонди гўё,
Ғаним, борлигингга шукрлар бўлсин.

ҚЎШИҚ

Қалбим осмонида ой бўлдинг, қўшиқ,
Севдим, ҳажр уйнда бой бўлдинг, қўшиқ,
Йиғладим, бир мунгли сой бўлдинг, қўшиқ,
Сен менинг онамсан, сен менинг болам.

Салсабил—жаннатнинг сувни ичирдинг,
Кўзимга ҳақиқат чўғин кўчирдинг,
Дилдан-да армонлар сасин ўчирдинг,
Қўшиқ сен онамсан, сен менинг болам.

Ағёрим аҳбобга айланди гўё,
Йўлларим нурларга бойланди гўё,
Руҳим наволарга жойланди гўё,
Қўшиқ сен онамсан, сен менинг болам.

Сени суймаганнинг борлиги ёлғон,
Меҳр шафоатга зорлиги ёлғон,
Санобарингга-да ёрлиги ёлғон,
Қўшиқ сен онамсан, сен менинг болам.

СУМБУЛА

(халқ йўлида)

Сумбулажон, сумбула,
Сен менинг ҳолим сўра,
Ҳолим забун айлаган
Ушал сайроқ булбул-а.

Унинг кўзи қародур,
Менинг баҳрим яродур.
Айтолмайман дардимни
Ҳаё йўлдан уродур.

Муҳаббат ёмон экан,
Муҳаббат—ҳижрон экан.
Ёниб-ёниб этганинг
Дунёи армон экан.

Армонинг бўйи узун
Бахтимнинг йўли тугун.
Уринмагил афсунгар,
Ёрнинг жодуси афзун.

Сумбулажон, сумбула,
Жафокашга йўқ чора.
Энди битта ошиққа
Тангридан тўзим сўра.
Сумбулажон, сумбула...

ФИРОҚИНГДА

Фироқингда эй, жоно, бу юрак тилим-тилим,
Номинг айтсам, ловуллаб куядир тилим, тилим.
Висолингни фалакдан сўргандим мен мубтало,
На сас бўлди, на садо—озурда дилим, дилим.

Қаро булут қаҳри ёмон қародур-ей, қародур,
Ғаним отган тошлар бошим ёродур-ей, ёродур,
Алдовларга ишонган ул ёрдан нени кутгаймен,
Умидимнинг кўкси энди яродур-ей, яродур.

Ишқ насими кимни ўпмиш, дардлари тизим-тизим,
Манглайида бедор туннинг «оҳ»лари чизим-чизим.
Йўлларига тиғ қўймангиз ошиқ аҳлин, ёроллар,
Тўғёнлари ўзи тиғдир, умрига тўзим-тўзим.

Айтилмаган азиз калом-армоним-ей, армоним,
Хаёлингсиз ўтган умр—қурбоним-ей, қурбоним.
Ситамларинг Санобарни шеърга айлади пайваст,
Куйдирмаса қоғозни ҳам фиғоним-ей, фиғоним.

ТУРКЧА-ЎЗБЕКЧА ШЕЪРХОНЛИК

Ота юртимиз Ўзбекистонда мустақилликнинг бир меваси сифатида, турли вилоятларда фаолият кўрсатаётган хусусий турк лицейларининг биринчи ўзбекча—туркча шеърий шўлани (мушоираси) ўтган ҳафта охирларида ўтказилди. Қишлоқ хўжалиги университетининг катта мажлислар залида ўтказилган шўлан Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди. Шўланга халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов, Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимов, Қишлоқ хўжалик университетининг проректори, профессор Абдуфаттоҳ Абдуллаев, хусусий турк лицейлари умумий мудири Мехмет Четинқоя, ўқувчиларнинг ота-оналари ва кўпдан-кўп ўқувчилар иштирок этдилар.

21-хусусий лицей ўқувчилари мусобақалашган шўланда ўзбек ва турк тилларида жами 42 шеър ўқилди. Шеърларнинг аксариятида Ватан ва миллат туйғулари ифода этилган эди.

Мусобақада туркча шеър соҳасида Тошкент хусусий ўғил болалар лицейидан Шамсуддин Ҳожимуҳаммединов М. Абдулфаттоҳ Шоҳиннинг «Миллат руҳи» номли шеърини ўқиб, биринчи ўринни олди. Андижон хусусий лицейидан Тўланбой Раззоқов Туркия Миллий Мадҳиясининг муаллифи, шоир Мехмет Окиф Эрсўнинг «Чаноққалъа шаҳидлари» шеърини ўқиб, иккинчи ўринни, Тошкент Шарқиёт лицейидан Дилшод Эргашев ҳам «Миллий руҳ»ни ўқиб, учинчи ўринни олдилар. Ўзбекча шеър соҳасида Термиз хусусий лицейидан Олим Сарваров Абдулла Ориповнинг «Ватан соғинчи» шеърини ўқиб, биринчи, Тошкент хусусий лицейидан Шерзод Бекназаров Эркин Воҳидовнинг «Ватан умиди» шеърини, Ангрен лицейидан Азаматжон Исмоилов «Умид чечаклари» шеърини ўқиб иккинчи, учинчи ўринларга лойиқ кўрилдилар. Ғолиблар турли мукофотлар ва Туркияга саёҳат йўлланмаси билан тақдирландилар.

Мингларча километр узоқдан келиб, етмиш йил айриайри яшаган қардошлар тилида янграган шеърлар кўнгилларни нақадар тўлқинлантирганини ёзиб англатиш қийин. Бундан тўрт-беш йил аввал «Мен Ўзбекистонда, ўзбек қардошларимиз тилидан «Истиқлол марши»ни эштитаман» десайдим, мени «бу жинни, гапини қара, ақл-мантиқ билан тушунтириб бўлмайди» деган бўлардилар. Оллоҳга шукрлар бўлсин, ота юртимиз жаннатмисол Ўзбекистон мустақилликка эришди. Эшиклар очилди ва биз қардошларимиз билан қовушдик. Мустақилликнинг илк меваси ўлароқ хусусий лицейлар очилди. Ҳозир бир нарсани ақл қилишдан ўзимни тиёлмаётирман. Икки йил аввал бу ерларга келиш насиб этсин, дея ойларча дуо ўқигандим. Ўтган ҳафта охирида дуоларимнинг қабулини кўрдим ва қардошларимга «Ишув ҳузурини яна бир карра ҳис этдим.

Жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг Турк—Ўзбекистон дўстлиги абадий бўлсин, деб айтган сўзи энг биринчи шиоримиз ва дуоимиздир. Бундай фаолиятлар билан қардошлик ва дўстлигимизнинг янада кучайишига имоним комилдир.

Ҳидоят ТИКТОШ.

«ТАРБИЯЧИ-94»

Аёл... Қандай барно, гўзал, дилбарсан. Ҳа, «Тарбиячи—94» кўрик-танловига йиғилганлар бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Туманлараро кўрик ғолиби бўлган ўн тўрт нафар қизлар республика танловида қатнашишди.

Кўрик қатнашчилари боғчада олиб бораётган ижодий ишлари, видеомашғулотлар хусусида, шунингдек мактабгача тарбия муассасаларидаги бугунги долзарб вазифалар, муҳим муаммоларни ўз чиқишларида очиқ ифода этдилар.

Тўғриси вилоятлардан келган бу қатнашчиларнинг чиқишларида ҳаётимизни ёрқин нишонаси бўлмиш фарзандларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, соғлом авлод бўлиб етишишига катта ҳисса қўшаётганликлари намоён бўлди. Беллашувда қашқадарёлик Соҳиба Хўжахонова биринчи, сурхондарёлик Ғулнора Абдурахмонова иккинчи, фарғоналик Хурсаной Орипова учинчи ўринни эгаллаб, «Йил тарбиячиси» кўрик нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мая ОБИДОВА.

АРМОНЛАРИ УШАЛГАН ИНСОН

Табаррук ва ибратомуз умрининг етмишинчи баҳорини қаршилаётган давлат ва жамоат арбоби Мадаминжон Ҳасановнинг таржимаи ҳолини варақласангиз, ўн тўрт йил болаликка, қолган 56 йили қизғин ва тиғиз меҳнат фаолиятига тўғри келади. Шундан 23 йили республика миқёсидаги раҳбар—ўн тўрт йил «Ўзбекбирлашув» бошқарувида раис, тўққиз йил савдо вазири бўлди.

Вақти келиб: «Нима иш қилдингиз?» — деб сўралганида, узоқ йиллар юқори лавозимларда ишлаган баъзи тўралар дудуқланиб қолган. Аммо Мадаминжон аканинг бу жиҳатдан юзи ёруғ. Юксак лавозимларни муносиб кўриб, катта ишонч билдирган халқи учун қилган ишлари кўп.

«Ўзбекбирлашув» раҳбари бўлиб ишларкан, унинг ташаббуси, ташкилотчилиги билан республиканинг деярли барча туманларида замонавий савдо марказлари бунёд этилди. Совитгичли йирик базалар қуриш авж олди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида, Қорақалпоғистон диёрида янги ўзлаштирилган қўриқ ерларда ташкил топган туманлар-у хўжаликларда аҳолига намунали савдо хизматини йўлга қўйишнинг ўзи бўлмаган ахир.

...Бугунги кунда гўзал Тошкентнинг Ўзбекистон шоҳкўчасида қад кўтариб турган, пойтахт кўркига кўрк қўшган маъмурий бино, меҳмонхона, мажлислар зали, ресторан ва ҳоказоларга эга Кооператорлар уйи Мадаминжон Ҳасанов фаолиятида қолдирган ёрқин изларидан бири, дейиш мумкин.

Мадаминжон ака матлубот тизимида бошлаган кенг кўламли режаларини вазир лавозимига ўтганидан кейин ҳам давлат савдоси соҳасида давом эттирди. У ишга келган пайтда вазирлик бўйича қурилишга 6 миллион сўм атрофида маблағ сарфланарди. Дастлабки йилиёқ бу кўрсаткични қариб ўн баробар оширишга муваффақ бўлди. Ишни махсус қурилиш трести тузишдан бошлади. Банкнинг имтиёзли кредитларидан, янги қуриладиган турар жойларга маҳаллий Кенгашлар томонидан бериладиган беш фоизли ажратмалардан кенг фойдаланишни қатъий таомилга айлантирди. Биргина Тошкентнинг ўзида «Наврўз» ресторани, «Эски жўва» бозори қурилиши бошлаб юборилди. Анча йилдан бўён чўзилиб келаётган «Болалар дунёси» савдо маркази уч ой ичида ниҳоясига етказилди. Савдо ускуналари ишлаб чиқарадиган иккита корхона, Тошкент ва Самарқандда темир-бетон буюмлари заводлари ишга тушди. Барча вилоятларда савдо шохобчалари қурилишини соҳаларни илмий асосда ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқаётган таниқли олим ҳамдир. 1965 йилдаёқ Москвада «Ўзбекистон матлубот кооперациясида улгуржи савдо ва уни такомиллаштириш йўллари» мавзуида диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди. Унинг шогирдларидан бири, техника фанлари номзоди О. Маҳмудов шундай дейди:

— Мен у кишининг 2 монографияси, 18 рисоласи, 30 дан ортиқ мақолаларини ўқиганман. Хусусан, 1973 йилда ўзбек ва рус тилларида босилиб чиққан «Ўзбекистон матлубот кооперацияси» номли китоби кооперация техникумлари ва билим юртлари толиби илмларига сабоқ беришда муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Жаҳон кезган, кўпни кўрган, орзу-армонлари ушалган Мадаминжон ака бахтли инсон. Хизмат тақозоси билан АҚШ, Канада, Европанинг барча мамлакатларида, Осиё ва Африканинг қатор давлатларида — жами 30 дан зиёд ўлкада бўлган.

— Турли-туман мутахассислар таркибида баъзан ўзим ҳам делегация раҳбари сифатида қатор мамлакатларда бўлсам-да, — дейди Мадаминжон ака, — 1992 йил баҳорида мустақил Ўзбекистоннинг юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси сафида Саудия Арабистонига бориш насиб этгани бир умр ёдимда сақланиб қолади. Дини Ислом ватани — Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдим.

У беш чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, узоқ йиллар Марказком аъзоси бўлган. Урушдаги жасоратлари, бунёдкорлик жабҳасидаги жонбозликлари юксак тақдирланди. Кўксини қўш-қўш нишонлар безади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими» деган фахрий унвонга лойиқ кўрилди.

Оиласида ўзига ўхшаган поқдомон, меҳнатсевар, маърифатли, зукко авлод етишиб чиқди. Қирқ беш йиллик умр йўлдоши Мўътабархон опа билан мўминқобил беш ўғил, бир қизни вояга етказдилар. Оналари Қумрихон ая ҳозир 90 ёшдалар. «Бу қунларга етганлар бор, етмаганлар бор», дея истиқлолни алқаганларни алқаган.

Суҳбатимиз ниҳоялаб қолганида боядан бери хаёлимда чарх уриб турган қалтис саволни беришга журъат этдим:

— Сиз вазир лавозимидан кетганингизда алғов-далғов пайт эди...

— Нимага шаъма қилаётганингизни тушундим. Йўқ, ҳеч қандай тазйиқ ёки мажбурлаш бўлмаган. Тўғри, Ўзбекистонга дастлабки тафтишчилар келганида комиссия аъзолари менинг Шароф Рашидов билан муносабатларимга қизиқишган. У киши билан нега тез-тез учрашиб турганлигимни суриштирган эдилар. Биринчи суҳбатдаёқ хизмат вазифасига кўра бошқа вазирларга нисбатан кўпроқ учрашишга тўғри келганлигини фақатгина ишга доир масалаларни ҳал этганлигимизни, у кишини мен партияга, давлатга чексиз садоқатли раҳбар, покиза, ҳалол, республика учун жуда кўп яхши ишларни амалга оширган фидойи инсон бўлганлиги учун ниҳоятда ҳурмат қилганлигимни айтгандим. Бошқа безовта қилишмади.

Ўша вақтда 64 ёшда эдим. Эгаллаб турган лавозимимдан озод қилишларини сўраб, уч маротаба ариза берганман. Чунки энди давр, одамлар ўзгарган, вазифалар қўлами кенгайган эди. Бундан буён вазир бўлиб ёшроқ, оёғидан ўт чақнайдиган навқирон кишилар ишлаши керак, деган қарорга келгандим.

ХОТИМА ЎРНИДА: Мадаминжон Ҳасанов Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига, жароҳатлари бот-бот азоб бериб келаётганига қарамай, ҳамон сафда. «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг истеъмол бозори ва маркетинг илмий-тадқиқот институтига етти йилдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги шароитда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган бу зукко инсон бошлиқ муассаса жамоаси томонидан ишлаб чиқилаётган тавсиялар савдо-тижорат тизими олдида турган вазифаларни ҳал этишда қанчалик асқотаётганлигини тасаввур қилиш қийин.

Тоҳир МИРҲОДИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

СПОРТ

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ФУТБОЛ

Футбол мавсуми ҳам бошланди. Кеча мамлакат олий табақаси жамоалари иккинчи тур ўйинларини ўтказишди.

Ишқибозларни яна бир байрам кутаётир. Тошкентда 11-19 апрель кунлари Ўрта Осиё миллий терма жамоалари ўртасида халқаро турнир ўтказилади. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон футболчилари иштирок этади. Тошкент турнирининг очилиши ва ёпилиши катта байрам тусини олади. Мазкур тадбирни ўтказишга катта эътибор бериляпти. Турнирга турли ташкилот ва корхоналар ҳомийлик қилиши кутилмоқда. Энг яхши натижага эришган ва чиройли ўйин кўрсатган жамоа ва футболчиларга атаб 32 та соврин тайёрланмоқда. Республика футбол федерацияси раҳбари С. Эшмуҳаммедов журналистлар билан учрашувда шундай ахборот берди.

Табиийки, тўпланганларни Ўзбекистон миллий терма жамоаси қай таркибда иштирок этади, деган савол кўпроқ қизиқтиради. Бош мураббий Рустам Акрамов жавоби қуйидагича бўлди. Республикамиз футбол клубларидаги 18 футболчи ва хорижда ўйнаётган 4 ҳамюртимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади. Россиядан Миржалол Қосимов ва Геннадий Денисов, Исроилдан Игорь Шквирин, Малайзиядан Азамат Абдураимовларнинг келиши кутилаётир. Терма жамоанинг тўлиқ таркиби 10 апрель куни маълум бўлади. Ўзбекистонликлар сафида олти нафар пахтакорчи, «Нефтчи»дан эса беш футболчи ўйнаши мўлжалланган.

Шунингдек, учрашувларни ўтказиш учун ҳар бир республикадан бештадан ҳакам таклиф қилинади.

Учрашувлар «Пахтакор» ва МҲСК стадионларида ўтади.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЙИДА СПИРТЛИ ичимликка тўйиб олган Дилшод А. кўчада «ҳунари»ни кўрсатди. Ҳе йўқ-бе йўқ, ҳамқишлоғи Бўтаевнинг ёқасидан ола кетди. Бу ҳам етмагандай қайф устида темир қувур билан Бўтаевнинг боши ва юзига тортиб юборди. Бечора йигит ароқнинг қурбони бўлди.

Яккабоғ туманининг Уйғур қўрғонида содир бўлган бу воқеа юзасидан прокуратура ходимлари иш кўришяпти. 21 ёшли зўравон сўраб-суриштирилмоқда.

* * *

ҲУСНИДДИН С. ва Суюн У. ларнинг «текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган» одати қолмади. Нўъмон С.га оғир тан жароҳати етказишди. У касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

* * *

МЕҲНАТГА БУЙНИ ёр бермайдиган Владимир И. мўмай пул топиш илинжида Қарши шаҳридаги акционерлик савдо жамиятига қарашли 3-дўконга қўққисдан бостириб кириб, сотувчи Малоҳат Х.га пичоқ ўқталди. Сўнгра кассадаги пулларни бамайлихотир чўнтакка уриб, жуфтакни ростламоқчи бўлганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

* * *

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ 10-болалар боғчасидан куппа-кундузи Гўзал исмли қизча йўқолди. Қидирув бесамар кетмади. У топилди. Гўзални Қирғизистон Республикасининг Ош вилоятига ўғирлаб кетган Камола исмли аёл устидан тергов бошлаб юборилди.

* * *

ОЗАРБОЙЖОН Республикаси фуқароси Гадир Собит ўғлининг Муборак шаҳрига келиши бежиз эмас экан. Милиция ходимлари томонидан гумонсираб ушланган бу «меҳмон»нинг ёнидан салкам ярим кило наша топилди.

* * *

ТУРМУЦЦ ЎРТОҒИ билан жанжаллашиб қолган Тўйчигул эридан қасос олишга киришди. Мақсадини амалга ошириш учун ярим кечаси ширин уйқуда ётган эрининг бўйнига арқон солди.

Чироқчи туман прокуратурасида олиб борилаётган тергов ҳаракатининг бири ўз эрини бўғиб ўлдирган ушбу аёлнинг иши юзасидандир.

Ш. РУЗИЕВ,
У. ҲАЙДАРОВ.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Маданият жамғармаси

«УҒУЗХОН» НОМЛИ МИЛЛИЙ ТАСВИРИЙ, АМАЛИЙ САНЪАТ МАКТАБИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Санъат мактабига 15 ёшдан юқори, маълумотидан қатъи назар бўлган Ўзбекистон ва ҳорижий давлат фуқаролари қабул қилинади.

Санъат мактаби «Қулол-рассом» мутахассисларини тайёрлаб чиқаради, Ўзбек-турк халқининг тасвирий, амалий санъат анъаналарини имкон даражасида кенг ва пухта ўргатади;

Санъат мактабида кулолчиликка оид турли фанлардан малакали мутахассислар таълим беради.

Санъат мактабининг кундузги ва сиртқи бўлимлари мавжуд.

Кундузги бўлимда ўқиш — 2 йил.
Сиртқи бўлимда ўқиш — 3 йил.

Ўқиш пуллик. Ҳомийлар орқали пул ўтказиш йўли билан ҳам тўланиши мумкин.

Санъат мактабига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Директор номига ариза.
2. Турар жойдан маълумотнома.
3. 3х4 ҳажмда 4 та фотосурат.
4. Ўқиганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат.
5. Тўлов ҳақида ҳужжат (квитанция).

Ҳужжатлар 1 апрелдан 1 июнгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар ўз ишларидан намуналарни махсус комиссияга кўрсатадилар.

Ўқишни битирганларга «Қулол—рассом» деган махсус диплом берилади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси бошқаруви биноси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 67-24-63, 67-52-58.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ

Бобониёз ҚУРБОН,
Бахтиёр ТЎРА,
Холбека ХОЛИЁР,
Нарзулло ҲАБИБУЛЛО

АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

(Миниатюра, рангли тасвир, каштачилик)

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй, (Боғи—Эрам маданият ва истироҳат боғи).

Оҳангарон шаҳар сантехлит заводи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча корхона, ташкилот, муассасалардан, фуқаролардан иккиламчи металл-чугун чиқиндиларини чекланмаган миқдорда қабул қилади. Ҳисоб-китоб имтиёзли равишда яъни завод ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан алмаштирилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри «САНТЕХЛИТ» заводи.

ТЕЛЕФОН: 5-41-31, 5-41-32.

ҚУТЛОВ

Суюкли қизимиз НИЛУФАР!

Биз сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз! Сизга узоқ-умр ва бахт-саодат тилаб қолувчи:

Дадангиз БАҲРОМ, ойингиз ДИЛБАР, акаларингиз ДИЛШОДЖОН, ҒАЙРАТЖОН, ШЕРЗОДЖОН.

Сирдарё вилояти, Ш. Рашидов тумани, Ш. Рашидов давлат хўжалиги.

НОМОЗОВЛАР ОИЛАСИ.

Тошкент шаҳар жамғарма банки Юнусобод тумани бўлимининг 3649 рақамли бурчак штампининг йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЭЪЛОН

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Р. Аҳроловага акаси **Ғани ЖАҲОНГИРОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Г. С. Зайцев номидаги Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти жамоаси лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори **Маҳмуджон ПУЛАТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик бош ҳисобчиси М. Урмоновага акаси **Эркин ОБИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Паррандасавдо» ишлаб чиқариш савдо корпорацияси жамоаси Ўзбекистон саноат паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашма раиси Ҳ. Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси **Лаълихон Ҳожи она ЭШОНҚУЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик бош муҳаррири Н. Тўлагановага падари бузруквори **Муҳаммад САЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент молия олийгоҳи доценти Э. Юсуповга волидаи муҳтарамаси **Маъмура Турди қизи ЮСУПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан дўстлари чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-13.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-46.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 19.30.
Г—791. тир. 87.259.

Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, С. СИРОЖИДДИНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.